





## Ислом Нури

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Дўзах аҳлидан икки тури борки, мен ҳали уларни кўрмадим: Биринчиси: қўлларида сигир думига ўхшаш қамчилари билан одамларни уриб юрадиган кимсалар. Иккинчиси: кийиниб олган, лекин яланғоч, (бошқаларни ҳам) йўлдан оздирувчи, ўзлари ҳам (йўлдан) оғган ҳамда бошлари(даги сочлари)ни туянинг (бир тарафга) мойил бўлган ўрқачлари сингари дўппайтириб олган аёллардир. Улар жаннатга кирмайдилар, унинг ҳидини ҳам топа олмайдилар. Ваҳоланки, жаннатнинг ҳиди фалон масофадан келиб туради» (Имом Муслим ривояти).

### Шарҳ:

Муслима аёл баданини бегона эркаклардан тўсишга буюрилган, чунки очик-сочиклик ва яланғочликдан кўп фасодлар ҳосил бўлади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга кийимларини узайтиришларига ва оёқлари кўриниб қолмаслиги учун судраб юришларига рухсат берганлар, келажакда кийинган-у, лекин яланғоч – яъни, кийган кийими баданининг бир қисмини тўсса, бир қисмини тўсмайдиган ёки баданини кўрсатиб турадиган юпқа, тор ё калта кийим киядиган аёллар бўлишини айтганлар – ушбу айтганларининг бари ҳозирги даврда юзага чиққан – ва уларнинг ҳаргиз жаннатга кирмасликларини хабар берганлар.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аёллар этакларини бир газ (тахминан 46.2 см) миқдорича узайтиришлари мумкин;
2. Муслима аёл баданини ўраб юриши ва ичини кўрсатмайдиган кийимлар кийиши лозим;



3. Ўранмайдиган аёлларга қаттиқ азоб хабари келган.